



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йилнинг 11 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида белгиланган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Мажлисида сенаторлар, Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси раҳбарлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ўтказилаётган ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёنлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов тадбир ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сайловни ташкил этишнинг дастлабки босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сайлов ўтказиш борасида билим ва тажрибага, аҳоли орасида обрў ҳамда ҳурматга эга бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссияларини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳларни тузиш режалаштирилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ



БАХТ ШОҲСУПАСИ

«Президент болаларимиз ҳақида биздан кўра кўпроқ қайғуряпти...
Биз ота-оналарчи, ўз фарзандларимиз учун нима қилаяпмиз, уларнинг тақдирини, бахтини ўйлаб қанчалик ташвишланаяпмиз?..»

3

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари

Халқаро танлов ғолиблари тақдирланди

Жорий йилнинг 1-6 март кунлари Кипрнинг Протарас шаҳрида математика фани бўйича «SEEMOUS» ўзинчи халқаро олимпиадаси ўтказилди. Унда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси иккита олтин медални қўлга киритди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда университет ректори Ш.Сирожиiddинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўлғайиши, замонавий таълим-тарбия олиши ва ўз истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. «Таълим

тўғрисида»-ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида замон талабларига тўла мос келадиган миллий таълим тизими яратилди.

Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз халқроқ миқёсда ташкил этилаётган нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳияти, кенг тафаккури ва эҳси билан дунё аҳли хавасини уйғотмоқда.

Кипр таълим ва маданият вазирлиги, математика жамияти ҳамда Жануби-Шарқий Европа математика жамияти томонидан ташкил этилган мазкур интеллектуал беллашува йигирмадан ортиқ мамлакатдан 43 университет жамоасининг 150 дан зиёд



иктидорли талабалари иштирок этди.

Танловда Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети 2-курс талабалари Ҳакимбой Ёгамбергенов ва Шохруҳ Иброҳимов биттадан олтин

медал, Мирмуҳсин Маҳмудов махсус диплом билан тақдирланди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга дипломлар топширилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Соғлом аёл бахтли аёлдир

Давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кўни байрами муносабати билан йўллаган табригини ҳар йили катта ҳаяжон, фахр-ифтихор билан тинглайман. Бу гал ҳам табрикда айтилган фикрлар, келтирилган факт ва рақамлар, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги сўзлар мени тўлқинлантириб юборди.

Буни қаранг, Соғлом она ва бола йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун жами 7 триллион 483 миллион 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмдаги маблағ ажратилар экан. Бу рақамлар мамлакатимизда оналар ва болаларга қаратилган эътибор қўламини, қилиниши керак бўлган ишлар миқёси нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди.

Ўз соҳам мисолида гапирадиган бўлсам, «Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби, вилоятимиздаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳам тиббий асбоб-ускуна ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу йил ана шу эзгу мақсадларнинг давоми сифатида кўплаб ишлар амалга оширилишини ўйлаб, ҳозирдан хурсанд бўлиб кетаяпман, қалбим ғурурга тўлмоқда.

Албатта, Давлат дастуридаги ишлар кўп жиҳатдан ЎЗДП Сайловолди мақсадларига уйғунлиги депутат сифатида бизга катта масъулият юклайди. Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишимиз зарур. Бу борада турли тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир тадбир ўзининг самараси билан аҳамиятли, деб ўйлайман. Шу вақтгача вилоятимизда аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида кўплаб хотин-қизлар ишга жойлаштиришга ёрдамлашилди. 700 нафардан ортиқ аёллар ва коллеж битирувчиларига кредит олишда қўмаклашилди. 4 мингдан ортиқ хотин-қиз касаначилик меҳнатига жалб қилинди.

Бу йил хотин-қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишимиз зарур. Туманларимизда, олис қишлоқларимизда бу масала муҳим аҳамият касб этади. Чунки оиланинг саломатлиги, бахти аёлга, онага боғлиқдир.

Максуда БОЗОРОВА,
Қарши шаҳридаги 3-оилавий
поликлиника бош врач,
халқ депутатлари Қашқадарё
вилоят Кенгашидаги ЎЗДП гуруҳи
аъзоси.

Озодалик остонадан бошланади



Суратда: 1-Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси гулчиси Мухайе Кенжабоева.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойишига мувофиқ ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари Фарғона вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Ойлик доирасида кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш, турар жойлар атрофини тозалаш, бозорлар ва қабристонларни

ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Аъзам Икромовнинг таъкидлашича, айни пайтда турли манзаралии дарахт кўчатлари ва гул экиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, белгиланган режага кўра, шаҳарда 200 минг туп мавсумий гул экилиши режалаштирилган.

Муҳимжон ҚОДИРОВ
ЎЗА олган суратлар.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ

ҳимоясида
депутатлик ва
жамоатчилик назорати
кучайиши муҳим
ўрин тутати

2

ЎЗДП: ФАКТ ВА
РАҚАМЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЗАФАРБОД ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗДП ГУРУҲИ ТУМАННИНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДА ЯНГИ СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ, МАВЖУДЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИШЛАРИ Тўғрисидаги МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛИБ, ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯГА ТАҚДИМ ЭТДИ.

ЎЗДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ НАВБАТДАГИ КўЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУ КУНИ 20 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, УЛАРДА КўТАРИЛГАН МАСАЛАЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ.

ҚўНФИРОТ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИДА «ЎЗДП ОЛДИДА ТУРГАН АСОСИЙ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАР ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР» МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНИБ, ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ.

ЎЗХДП ФАОЛЛАРИ

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИСИНИНГ БИР КУНИ

Насим Отабобоев — Жиззах шаҳри «Тошлоқ» маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси. Унинг иш куни тонг саҳардан бошланади.

Бугун ҳам у олатдаги вақтда маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб келди. Кечаги мурожаатларни кўздан кечириб бошлади. Фуқаро Фоти-ма Исматованинг ишга жойлаштириш масаласида, ёлғиз қария Светлана Дегтарёваннинг рўзгор юмушларида ёрдам сўраб, уй бекаси Шахноза Абдиеваннинг партия сафига кириш тўғрисидаги мурожаатларини ажратиб олди. «Кеча қалар шу масалаларни албатта ҳал қилишим керак», деган фикр билан ташқарига йўналди.

Дастлаб Светлана опанинг уйига ўтди. Ёши етмишдан ошиб қолган партиямиз фахрийси билан ярим соатлар чамаси суҳбатлашди. Унинг кўнгилни кўтарди ва куннинг иккинчи ярмида ёрдамчилар юборишини айтиб, хайрлашди. Бу ишни партия фаоли Гулнора Норматовага топширди.

Сўнг Фоти-ма Исматовани ишга жойлаштириш учун маҳалла ҳудудидagi «Тошлоқ» чойхонаси раҳбарига учрашди. Тиниб-тинчимас етакчининг гапларини диққат билан тинглаган тadbиркор кам таъминланган оила бекасини ишга олишга ваъда берди. Масаланинг ижобий ҳал бўлганидан қониқиб ҳосил қилган Насим-жон йўл-йўлакay Фотима-хонни ишга бўлгани ҳақида хабардор қилиш-ни ҳам унутмади.

Партия аъзолигига ўтиш истагини билдирган Шахноза Абдиева билан суҳбатлашадиган пайтда вақт тушликдан ўта бошлаган эди. Унинг сиёсий партиялар, хусусан, ЎЗХДП гоя ва мақсадларига қизиқиши етакчига маъқул бўлди. Аризани қаноатлантирса бўлади, деган ҳулосага келди ва ариза муаллифини бошланғич ташкилотнинг навбатдаги йиғилишига таклиф этди.

Етакчи тушликдан кейин кам таъминланган оила бекаси Дипрабо Нуруллаеванинг хонадонига борди. Қизини давлатга етган

аёлга эртага маҳаллага боришини, унга албатта ёрдам кўрсатишини эсла-тиб ўтди.

Партия фаоли Фулом Орифхўжаевни уйдан топди. У билан эрта-индин негара тўйи қилишга таралуд кўраётган Ҳошим Мансуровни бориб йўқлашди. Тўй ташвишлари, уни маҳалла тўйхонасида ортқича дабдалаларсиз, ихчам ўтказиш ҳақида келиш-ишди. «Керак-сиз расм-русумларнинг сираям ҳожати йўқ», дей-ишди тўй эгасига. Ҳошим аканинг ўзи ҳам шундай фикрда экан.

Бу орада етакчи кредит олишда кўмак сўраган Убайдулла Каримов-ни эслади. Учаласи бир-галликда уникига ўтишди. Кредит учун тайёрланган ҳужжатлар билан тани-ишди. Керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Маҳалла раиси Усмонқул Эшонқулов банкка қафолат хати ки-ритишга розилик билдир-ди.

Вақт елдай ўтиб, бир-пасда кеч кириб улгуриб-ди. Етакчи ўзидан кўнгли тўлиб-тўлмай

уйига қайтди. Эртанги ишлари, режаси ҳақида ўйлади.

— «Тошлоқ» шаҳарда-ги намунали маҳалла-лардан бири, — дейди ЎЗХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Носиржон Сиддиқов. — 3000 на-фардан ортқич аҳолиси бор. Бу ерда юз нафар-дан ортқич партиямиз аъзоси рўйхатга олинган. Жорий йил бошидан

намуналиси деб кўрсат-сак, хато бўлмайди. Дар-воқе, етакчимиз маҳал-ла фуқаролар йиғини котиблигини ҳам бажар-ради. Уни катта-кичик яхши билди. Иш би-лан сўзи бир. Ташкилот-чилиги билан ҳурмат қозонган. Мутахассис-лиги ҳуқуқшунос эмас-ми, одамларни ўйланти-раётган масалалар ечи-ми бўйича фойдали мас-

шарт, — дейди Насим Отабобоев. — У аввало партия дастурий мақсад-ларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда, тараф-дорлар сонини кенгайти-ришда фаоллик кўр-сатиши керак. Электорат вакиллари билан ҳамкор-ликда ҳудуддаги кўпчи-ликни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этиш бўйича аниқ так-лифлар ишлаб чиқиш, зарурат туғилганда, бу таклифларни юқори партия ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органларига етказиш са-лоҳиятига эга бўлиши лозим. Партия аъзолари-нинг сиёсий ва фуқаро-лик маърифати, маҳал-лий Кенгаш депутатлари билан ишлаш, янги аъзо-ларни қабул қилиш би-лан боғлиқ барча ишлар-да унинг сая-ҳаракати сезилиб туриши керак, деб ўйлайман. Шунда куйи бўғиннинг нуфузи, мавқеи мустаҳкам бўла-ди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Партия аъзоларининг сиёсий ва фуқаролик маърифати, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан иш-лаш, янги аъзоларни қабул қилиш билан боғлиқ барча ишларда бош-ланғич партия ташкилоти етакчи-сининг сая-ҳаракати сезилиб туриши керак.

бери 19 киши сафимиз-га қўшилди. Шаҳарда 60 бошланғич партия таш-килоти фаолият кўрса-таётган бўлса, Насим Отабобоев етакчилик қилаётган мазкур ҳудудий партия ташкилотини энг

лаҳатлар беради. Кимга-дир амалий, кимгадир ҳуқуқий кўмак беришни канда қилмайди.

— Бошқасини билма-диму, бошланғич партия ташкилоти етакчиси фи-дойи, қатъиятли бўлиши

■ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ

ҳимоясида депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайиши муҳим ўрин тутди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 15 март — Халқ-аро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг му-ҳим омилдир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси Марказий Кен-гаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жа-миятлари федерацияси ходим-лари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кен-гаши депутатлари, жамоатчилик вакиллари иштирок эттиди.

Тadbир иштирокчилари томо-нидан мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъмолчи-лар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-нинг самарали тизими шакллан-тирилиб, унинг ҳуқуқий асоси яратилгани алоҳида эътироф этилди.

Фуқароларимизнинг истеъ-молчи сифатидаги ҳуқуқ ва қону-ний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Конс-титутцияси, Фуқаролик кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қафолатланган. Бундан ташқари, истеъмолчилар-нинг ишлаб чиқарувчилар, сотув-чилар, турли хизмат кўрсатувчи-лар ўртасидаги ўзаро муноса-батларини тартибга солишга қаратилган бир қатор қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-лари қабул қилинган. Қолавер-са, жамоат бирлашмаларининг истеъмол соҳасидаги сиёсатни шакллантиришдаги фаоллиги

ҳам тизим ривожига хизмат қил-моқда.

— Бугунги кунда фуқарола-римиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбо-сари Нодирбек Юсупов. — Вазирлар Маҳкамасининг «Ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштиро-кини кенгайтириш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, барча таълим муассасаларида ушбу мавзуга оид махсус курслар ташкил этилган. Мактаб, кол-леж ва лицей ўқувчилари ўрта-сида «Энг билимдон истеъмол-чи» танлови ўтказиб келинмоқ-да. Ҳар йили 15 март — Халқ-аро истеъмолчилар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш куни муноса-бати билан федерация томони-дан давра суҳбатлари ўткази-лади, турли лойиҳалар амалга оширилади.

— Юртимизда иқтисодий ис-лохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида, маҳсулот ишлаб чиқариш сал-моғи ва микдори тобора ортиб, хизмат кўрсатиш тури кўпайиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раи-си ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Рустам Қомилмов. — Аҳолини сифатли маҳсулотларга бўлган



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Партия ташки-лотлари қошида фаолият юрита-ётган Жамоатчи-лик қабулхонала-ри томонидан фуқароларнинг истеъмол ҳуқуқларига оид 200 дан ортқич масала ҳал этил-ганлиги айтиб ўтилди.

эҳтиёжини қондириш ва наму-нали хизмат кўрсатиш масала-си доимо долзарб вазифа бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам истеъмолчи ҳуқуқларининг қону-ний асосларини аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва истеъ-мол маданиятини янада ошириш

орқали қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Тadbирда Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида ҳам то-варлар ва хизматларнинг бар-ча, айниқса, аҳолининг ижтимо-ий ёрдамга муҳтож қатламлари учун мақбул ва сифатли бўли-шини таъминлаш, терминал тармоғи ва онлайн тўловлар ти-зимини янада ривожлантириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларидан самарали фойдаланишига эришиш каби бир қатор вазифалар белгилан-гани қайд этилди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқла-рини муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси устидан жа-моатчилик ва депутатлик назо-ратини тизимли йўлга қўйиш аҳолининг эҳтиёжманд қатлам-лари манфаати ҳимоясида му-ҳим аҳамиятга эга бўлади.

Иштирокчилар бу борада партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни а-трофлича таҳлил қилдилар. Хусу-сан, 2015 йил давомида Ўзбекис-тон Халқ демократик партиясининг

маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳла-ри ташаббуси билан маиший, уй-жой, коммунал ва хизмат кўрса-тишининг бошқа соҳаларида аҳоли-га кўрсатилмаётган хизматлар си-фатини таъминлаш билан боғлиқ қатор масалалар доимий комис-сияларда, сессияларда муҳокама қилингани таъкидланди.

Партия ташкилотлари қоши-да фаолият юритаётган Жамо-атчилик қабулхоналари томони-дан ўтган йил давомида фуқа-роларнинг истеъмол ҳуқуқлари-га оид 200 дан ортқич масала ҳал этилганлиги айтиб ўтилди.

Тadbирда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-минлашда партия ташкилотла-ри ҳамда барча даражадаги де-путатларнинг ролини кучайти-риш, электорат манфаатлари-ни ҳимоя қилишга қаратилган тadbирлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий шериклар билан ҳамкорлиқни кучайтириш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари сайлов-ни ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъмин-лаш, уни ташкил этиш ва ўтказишда халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашлари, «Маҳалла» хайрия жа-моат фонди ва бошқа манфаатдор давлат орган-лари ҳамда жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, ом-мавий ахборот воситаларида сайловга тайёргар-лик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёри-тиб бориш масалаларига эътибор қаратилди.

Шу кун Миллий матбуот марказида Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан оммавий ахборот восита-лари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайло-вида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сай-ловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмак-лашувчи комиссия раисининг ўринбосари С.Ортиқова белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг сайлов-да иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқла-ри тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш, сайлов жараёнидаги барча иштирокчиларнинг амалда-ги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши, фуқаролар йиғинлари раис-лари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг ахлоқий ҳамда ишлаш ҳу-сусиятлари билан таништириш энг муҳим вази-фалар ҳисобланишига эътибор қаратди.

Ҳозирги вақтда Сенат Кенгаши комиссияси фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг мас-лаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтка-зиш жараёнининг қонунийлигини, очик-ошқора-лигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини кенг тушунтириш, сай-ловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тadbирларни белгилаб олди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичлари очик-ошқоралиги-ни таъминлаш мақсадида ҳудудларда сайловни ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизмат-лари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам таъкидланди.

Брифинг сўнггида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисида ОАВ мунтазам равишда хабардор этиб борилиши маълум қилинди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

■ ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ёшлар

ёт гоёларга қарши

«Биз бугунчи ва ёт гоёларга қаршимиз». ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Тошкент ирригация ва мелиорация институтда ўтказилган тadbир шу мавзуга бағишланди. Унда диний экстремизм, миссионерлик ва унинг салбий оқибатлари ҳусусида сўз борди. Ийигит-қизларнинг ҳуқуқий билимини оши-риш, ёт гоёларга қарши иммунитетини шаклланти-риш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш зарурлиги борасида фикр алмашилди.

Давра суҳбатида Республика Маънавият тарғибот маркази, партиямизнинг Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари, талабалар иштирок этди.

Институтнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Қодиржон Шовазов глобал-лашув жараёнида инсон онги, айниқса, ёшлар дунё-қарашини, тафаккурини таъсир қилувчи хуружларнинг олдини олиш устувор масала эканини таъкидлади. Замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойда-ланишни ўргатиш, дунёнинг турли ҳудудларида рўй бераётган воқеликлардан тўғри ҳулоса чиқариш зар-урлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тadbирда Республика Маънавият тарғибот маркази бўлими мудири, юридик фан-лари доктори Гулҳебра Матқаримова, ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилот-лари томонидан мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида ана шундай тadbирлар, учрашувлар ўтка-зилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

БАХТ ШОҲСУПАСИ

«Президент болаларимиз ҳақида биздан кўра кўпроқ қайғуряпти... Биз ота-оналарчи, ўз фарзандларимиз учун нима қилаяпмиз, уларнинг тақдирини, бахтини ўйлаб қанчалик ташвишланаяпмиз?..»

Қашқадарёнинг Яққабог туманидаги оддий бир қишлоқда яшовчи пенсионер яқинда таҳририятга кўнғироқ қилиб шу гапларни айтди.

Улашботир деган бу киши кўплаб журналистларнинг қадрдони, чинакам спортсевар, футболнинг ашаддий мухлиси. Уни биринчи марта кўрганда, унчалик хушламайсиз. Оқтобда қорайган юзи, полвонсифат гавдаси, дағалроқ сўзлари кишига ёқмасди. Аммо биринчи суҳбатдан сўнг самимий инсонлигини англайсиз. Аввалига далада ишчи, бригадир, кейинчалик тадбиркор, фермер бўлган, ҳозир нафақада. Аммо спортга, футболга фидойилиги ўша-ўша. Терма жамоамиз ютказиб қўйса, дарҳол кўнғироқ қилади... «Нимага индамайсизлар, бу нима деган гап, миллионлаб одамлар термулиб турибди-ку. Буларда озгина орят борми ўзи», деб дardини, захрини сочди, гўё биз айбдордек. Баъзан шарҳловчилардан ноллиб қолади: Ўйлаб-роқ гапиринин, футболни тушунадиган бошқа одамлар ҳам бор. Гапини қаранг, «Агар бу ўйинда биз ютказсак, фалон жамоа билан учрашамиз эмиш. Ўйиндан олдин нимага ёмон ният қилади?»

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши йиғилишининг эртаси кунин у яна кўнғироқ қилди. «Қўрдин-гизми, эшитдингизми?» деб сўроққа тутди. Кейин куйиниб айтди:

— Қаранг, Президентдек одам, миллион-миллион ишдан ортиб, вақт топиб, бизнинг бола-чакамиз саломатлигини, бахтини ўйлаб, жон куйдириб гапиряпти, гап-ўрлик қилаяпти. Лекин очигина айтиш, одамлар орасида кўриб-билиб юрибмиз, ота-оналарнинг кўпчилиги ўз боласи ҳақида шунчалик куйинмайди... Менга қолса, бутун маҳаллаларда ота-оналарнинг йиғиб, шу гапларни қайта-қайта эшиттириш керак, тушунтириш керак...

Унинг узук-юлуқ, аччиқ-чучук, лекин самимий гаплари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши йиғилишида билдирилган фикрлар одамларни тўққиллантириб, спортнинг аҳамияти ҳақида янада чуқурроқ ўйлашга даъват этаётганини билдиради.

Авалло, шунини айтиш керакки, болалар спортини, умуман спорт соҳасида бугун фахр-ифтихор билан эътироф этилаётган ютуқларга осонликча эришилмасди, кўп меҳнат қилинди, кўп маблаг сарфланди. Аммо энг оғир, мураккаб ишлардан бири ота-оналар, катта-кичи раҳбарлар онгда спортга муносабатини ўзгартириш бўлди, спортнинг инсон ҳаётидаги, мамлакат тараққиётидаги бебаҳо аҳамиятига уларни ишонтириш бўлди.

Яқин ўтмишда ҳам катта-кичи йиғилишларда спортни оммавийлаштириш ҳақида баланд-парвоз нутқлар бўлди. Аммо гап бошқа, иш бошқа эди. Ўша замонларни кўрганлар яхши билишди, кўпчилик раҳбарлар спортнинг фойдаси тўғрисида маъруза қиларди-ю, аслида айтиётган гапини ўзи ҳам ишонмасди. Тўғриси, спортнинг фойдаси нимадан иборатлигини аниқ билишмасди, тасаввур ҳам қилишолмасди. Спорт билан шуғулланишни эса ўзларига эп қўришмасди. Раҳбар одам эрталаб туриб югурса, футбол ёки теннис ўйнаса, обрўси тушиб кетадигандек туюларди уларга.

1996 йилда Президент ташаббуси билан илгари ҳеч қўзғатилмаган, ҳаёлга ҳам келмаган бир мусобақа ташкил этилди. Теннис бўйича ўтказилган, «Хавас кубоги» деб номланган бу турнирда вазирилик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар иштирок этди. Бу чора-тадбирнинг бош мақсади, аввало, эртаю кеч хонада ишлаб ўтирадиган, жисмоний ҳаракати кам бўлган раҳбарлар соғлигини мустаҳкамлаш бўлса, иккинчидан, спорт жисмоний куч берадиган,

киши руҳини тетиклаштирадиган восита эканини, улар шахсан ҳис этиши, бунга ишонч ҳосил қилиши учун яратилган имконият эди. Яна бир муҳим жиҳати, раҳбар одамнинг, хусусан, вазирилар ва ҳокимлар халқнинг кўз ўнгиде теннис ёки футбол ўйнаши ўта муҳим ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда болалар спортини, умуман, спортни ривожлантириш ҳақида гап кетса, давлатимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» ордени экани, Соғлом авлод фонди ташкил этилгани, Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида қонун қабул қилингани, «Ўмид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада деб номланган уч босқичли спорт ўйинлари ташкил этилгани қайта-қайта таъкидланиб келинади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари спортнинг нафақат ёшлар жисмоний баркамоллиги, балки маънавий, ахлоқий тарбияси, шахс сифатида шаклланиши, миллат ва мамлакат тақдирдаги бебаҳо аҳамияти ҳақида кўпроқ тўхталди. Спорт — бу жисмоний тарбия деган тор доирадаги қарашларни ўзгартирадиган, спортнинг хосиятлари, қудратини тўғри баҳолашга ўргатадиган фикрлар билдирилди.

Жамоатчилик эътибори спорт соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларимизнинг иродасини тоблаш, мард ва жасур этиб тарбиялашда муҳим омил эканига қаратилди. Спорт болаларни ёвуз мақсадли ғоялардан, зарарли оқимлардан асраши таъкидланди.

Президент нутқида яна бир масалага ўрғ берилди. Биринчидан, мустақилликдан илгари юртимизда спорт билан оммавий шуғулланиш учун шароит деярли йўқ эди. Ҳозирги спорт саройлари, замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари етти ухлаб тушимизга ҳам қирмаган эди. Бунинг устига оғир меҳнатни қилиб, оғир шароитда кун кечирган, тўйиб овқат емаган, сифатли тиббий-хизмат нималигини билмаган халқимиз саломатлигига катта зиён етган эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобида келтирилган мисоллардан айрим-айримга эътибор қаратайлик: «Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, туҳмунни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баравар кам истеъмол қилмоқда».

Энди ўйлаб кўрайлик, яшаш учун оддий шароит нари турсин, узок йиллар давомида қорни тўйиб овқат емаган, қора меҳнатдан боши чиқмаган, тинка-мадорни қуриб, ярим қулиқда кун кечирган миллатнинг саломатлиги нима бўларди?

Китобда яна шундай маълумотлар келтирилади: «Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи но-боб биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи қийин. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин».

Шу ўринда халқимиз соғлигини эмритган яна бир аянчли мисол ёдга тушади. Ҳар йили кузнинг бошида гўза баргини сунъий тўктириш мақсадида минг-минг гектар пахта майдонларига захарли химикатлар сепадиларди. Бу захарли ховузлар, ариқлар, боғ-роғлар устига ёлғирдек ёғдирилди. Бундай пайтда киши нафас олишга қийналар, кўнғил беҳузур бўларди. Ана шундай шароитда ҳомилдор аёллар,

■ Спорт — чиниқтиради, тоблайди, даволайди, тарбиялайди, танитади. Мақсад йўлида сабот билан курашишга ўргатади. Спорт — миллатни бирлаштиради.

чақалоқлар, болалар ҳоли не кеч-ганлигини тасаввур қилиб кўрайлик. Ўпка, нафас йўллари, жигар каби инсоннинг муҳим аъзолари шикастланар эди. Болалар ўртасида касалликлар ниҳоятда кўпайиб, оналар ва болалар ўлими фойдада Ўзбекистон собиқ Иттифокда энг олдинги ўринга чиққанди.

Республикаимиз раҳбари Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида ташвиш билан шундай деган эди: «Миллатнинг зурриёб фондини, ҳеч му-болагасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламдаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муам-мо аллақачон вилоятлар дои-расидан чиқиб, умумдавлат даражасига кўтарилди».

Миллат саломатлигини мустаҳкамлашнинг катта комплекс, катта йўналишларидан бири — бу спортни ривожлантириш эди.

Бундай қарорга қелишимизнинг яна бир муҳим сабабини чет-габ ўтиб бўлмайди. Юртимиз мустақилликка эришгач, биз ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуришни, ривожланган мамлакатлар қаторидан тезроқ жой олишни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш-ни асосий мақсад қилиб белги-ладик. Президент бутун вазиятни ҳисобга олиб, келажақни ўйлаб, улғў ғояни илгари сурди: «Соғлом халқ, соғлом миллат буюк иш-ларга қодир бўлади!».

Бу сўзлар аниқ ҳақиқат эди. Соғлом киши катта орзу ҳавас-лар билан яшайди, ўз мақсади йўлида завқ-шавқ билан дадил меҳнат қилади. Касалманд одам эса дарду ташвишга ўралашиб қолади, кўнгли ёришади, ғай-рати, руҳи сўнади, руҳи сўнган одамда курашишга иштиёқ бўлмайди.

Спортни ривожлантириш биз учун нимага бунчалик зарур бўлганининг яна бир сабаби бор. Истиқлолга эришгач, Ватанимиз-ни, мустақиллигимизни ўзимиз ҳимоя қилишдек ўта муҳим, ай-тиш мумкинки, ҳаёт-мамонт вази-фаси турарди. Бунинг учун эса миллий армиямизни, ҳа, айнан миллий армиямизни зудлик бил-лан тузишимиз керак эди. Мил-лий армияни мустаҳкамлаш учун эса биринчи навбатда соғлом, за-бардаст, доворак, иродаси мар-табам, ҳар қандай синовни ма-дона энгиб ўтадиган аскарлар ва офицерлар зарур эди.

Шунинг учун ҳам спортни ривожлантириш, хусусан, болалар спортини ривожланти-риш ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, узокни ўйлаб, келажақни кўзлаб иш-лаб чиқилган режа эканини ан-глаб олишимиз керак бўлади.

Спорт нафақат жисмоний бар-камоллиги ёки саломатлик гар-ви, балки маънавий, маданий, ах-лоқий тарбия экани, ёшларни тар-бий-интизомга ўргатадиган, мато-нат ва жасоратдан сабоқ бера-диган, ҳаёт синовларини дадил энгиб ўтишга тайёрлайдиган му-ҳим воситадир. Кишига ўз шаъ-ни, жамоа шаъни, Ватан шаъни-ни мардона ҳимоя қилишни ўр-натадиган ўзига хос дорилфунду-р.

Спорт инсонга, ҳар бир мил-латга олам-олам ҳаяжон, қувонч, бахт ҳада этидиган мўъжизадир. Унинг бу хосиятларини бошқа бир-ор соҳадан топиб бўлмайди.

Спортчиларимиз халқаро му-собақаларда голиб чиқиб, шоҳ-супага кўтарилганда, давлатимиз мадҳияси янграб, байроғи мағрур ҳилпираб турганида бутун халқи-миз, Ўзбекистонимиз бир тан, бир жон бўлиб шоҳсупага кўтарил-ди... Спорт миллатни бирлаш-тирадиган, унга шжоат, куч-қув-ват, ғурур бағишлайдиган қудратли кучдир.

Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар бир спортчи халқаро майдонда ўш маҳорати, мардлигини намо-йиш этар экан, аввало, ўзини, Ватанини, миллатини дунёга та-ништи, ўз юрти, халқи ҳақида тасаввур уйғотади. Мамлакатнинг,

миллатнинг номини улғўлайди, шаънини кўкка кўтаради. Шунинг учун ҳам Президентимиз доим таъкидлаб келади: Спорт сало-матликини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси давлатни оламга машҳур қиладиган беқимс вос-итадир.

Спортнинг жамки хосиятла-рини санаб бераман, деган ҳар қандай билагон саногидан ада-шиб кетиши аниқ. Бошқача айт-ганда, ҳар қанча кўп бўлмасин, спортга сарф қилинаётган ҳа-ражатлар микдорини ҳисоб-китоб қилиш мумкин, аммо спортдан инсонга, жамиятга, давлатга келадиган фойданинг микдорини ҳисоблаб чиқиш-нинг имкони йўқ.

Масалага ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, болалар спортини кенг кўламда ривожлантиришга қарор қилин-гани, бу ишларга вилоятлар ҳоким-лари шахсан жавобгар этиб та-йинлангани қанчалик тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Бугун эришилган ютуқлар ҳақида гап кетса, қай бирини айт-тишни, санашни билмай шоши-либ қоляпмиз. Бунёд этилган спорт иншоотларининг таърифи ва тавсифи бир дostonга сиймай-ди. Халқаро мусобақаларда қўлга киритилган олтин, кумуш, бронза медалларининг саноғи йўқ. Бун-дан ўн йил илгари юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи спорт билан доимий шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақам 57,2 фоиз-ни ташкил этди. 2005 йилда қиз болаларнинг 24 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларида 22 фоизи спорт билан доимий шуғулланган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсат-кич 47 ва 44,7 фоизга ўсди.

Бу оммавийлик биринчи нав-батда болалар саломатлигини мустаҳкамлашда, ўз навбатида иқтидорли ёшларни ҳам кашф эт-моқда. Ёши улғўроқ одамлар яхши билишади, совет замонида аҳён-аёҳда ўзбек қизларининг номи дунё мусобақаларида эшитилиб қолади. Қишлоқ қизларини эса халқаро мусобақаларда кўриш ҳаёлимизга ҳам келмасди. Бугун эса қизларимиз бадий гимнас-тика, спорт гимнастикаси, акро-батика, дзюдо, сузиш, таэквон-до, каратэ, эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатларида кучлилар сафидан жой олиб келишмоқда. Улар орасида қишлоқ қизлари то-бора кўпайиб бормоқда, милли-он-миллион болалар уларга ҳавас қилиб, спорт мактабларига кел-моқда. Бу жуда катта ҳаракат бошланганини билдиради. Бу жа-раён тобора чуқурлашиб боради ва ўзининг бебаҳо мевасини бе-ради, албатта.

Болалар спортини ривожлан-тиришнинг аҳамияти шунчалик ба-ланглигини англаб етишининг ўзи бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришга бизни даъват эта-ди. Болалар спортини ривожлан-тириш жамғармаси Хомийлик кен-гашининг йиғилишида бу ишлар-ни янги босқичга кўтариш бўйича навбатдаги вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, болалар спорт-ини янада ривожлантириш учун ҳали кўп имкониятларга эгамиз. Масалан, ҳеч кимга сир эмас, ҳеч бир маҳалла ёки қишлоқ йўқки, болалари спортга қизиқмаган бўлсин. Бирок, ҳар бир ота-она-нинг ҳам боласини спорт макта-бига етаклаб олиб боришга вақ-ти бўлмаслиги мумкин. Боланинг ўзини юборишга эса транспорт ҳавфсизлигини ўйлаб, юраги дов-бермайди. Бунинг устига кам таъ-минланган оилалар фарзандла-ри бор... Шу боис, ҳар бир ма-ҳаллада, қишлоқда оддий спорт майдончаларини барпо этишга эътиборни янада куч-айтириш зарурга ўхшайди.

Бу борада Тошкент шаҳри тажрибасини, яъни бўш ётган жойларда сунъий қопламалар футбол майдончалари ва бо-ларар ўйин майдончаларини барпо этиш ишларини вилоят-

ларда, энг чекка қишлоқлар-да ҳам кенг қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, ҳар бир маҳалла ва қишлоқда анъанавий спорт му-собақаларини йўлга қўйиш, бу ишларни ўша жойда яшовчи жи-смоний тарбия ўқитувчилари ва фахрий спортчиларни жалб этиш орқали амалга ошириш мумкин.

Болалар спортини ривожлан-тиришнинг яна бир муҳим жиҳа-ти ҳақида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Маълумки, фуқаролар йиғинларига тобора катта ҳуқуқ, ваколат ва имкониятлар берил-моқда. Ҳозир кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилишдан тор-тиб, маърифий, диний ишлару, аразлашиб қолган эр-хотинни яраштириб қўядиган масъулла-р-гача, маҳалла посбонигача бор. Аммо болалар спортини билан ким шуғулланади? Бу масала энг асо-сий вазифалардан эмасми? Ҳозир жамиятни ташвишга сола-ётган кўпдан-кўп муаммолар ил-дизи айнан болалар ва ёшлар тарбияси билан боғлиқлиги аён-ку.

Энг нозик ва муҳим маса-ла болаларнинг дарсдан бўш вақтини ташкил этиш, уларни назоратсиз қолдирмаслик ҳисобланади. Спортнинг беқи-ёс аҳамиятини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари қошида болалар спортини йўриқчиси ёки мураббийи штати ташкил этиш масаласи устида фикр юритиб кўрилса, бу таклифни эҳтимол кўпчилик қўллаб-қув-ватлар.

Бу ҳақда гап кетганда, ким-дир маблагни рўқча қилиши мум-кин. Тўғри, маблаг керак. Лекин ҳисоблаб кўрайлик, қанча маб-лаг керак бўлади?..

Энди масаланинг иккинчи томонига эътибор қаратайлик. Бир бола эгри йўлга кириб, жиноятчи айлansa, уни қай-та тарбиялаш учун давлат қанча маблаг сарфлайди? Ичкиликбозлик, гийҳхандлик чангалига тушиб қолган бола-ни даволаш учун қанча маб-лаг кетади?.. Ёки қайсидир бола ёвуз кучлар тузоғига илиниб, тузатиб бўлмас, ке-чириб бўлмас жиноятга қўл урса, ота-онанинг шўри қури-майди, жамиятга, давлат-га беҳисоб моддий, маънавий зиён етмайдими?..

Болалар спортини ҳақида гап кетганда, мактабгача таълим му-ассасалари тўғрисида камроқ га-пирамиз, гўё бу соҳада ҳамма ишлар жойидадек. Ёки жисмоний тарбия машғулотларининг ўзи етарли деб ҳисоблаймиз. Авва-ло, ўйлаб кўрайлик, бугун бола-лар боғчаларининг неча фоизи жисмоний тарбия ёки спорт тар-биячиси билан таъминланган? Улардан қанчасида бу мутахас-сисликларга эҳтиёж бор? Спорт ёки мусика заллари зарур инвен-тарлар билан тўла жиҳозланган-ми?.. Бугунги талабдан келиб чи-қиб, масалага ёндашадиган бўлсак, болалар боғчаларида жисмоний тарбия ва спортни за-монга мос даражада йўлга қўйиш лозимлигини англаймиз. Айрим мутахассислар фикрича, тегиш-ли ташкилотлар ҳамкорлигида, албатта Соғлиқни сақлаш вази-рлиги иштирокида, ушбу масала-ни қайта кўриб чиқиб, болаларга мос спорт ўйинларининг мукам-мал дастурини тайёрлаш керак бўлади.

Болалар спортини ривожлан-тириш кўп жиҳатдан ота-оналар-га ҳам боғлиқлигини унутмаслик керак. Улар дори-дармонга, ка-салхонага сарфлайдиган мабла-гини, вақтини спортга сарфлашни ўрганишса, ташвишлари камроқ, қувончлари кўпроқ бўлиши та-биий. Фарзанди соғлом, барка-мол, мард, жасур бўлиб воёга етса, голиблик шоҳсупасига кўта-рилса, халқнинг, Ватanning ол-қишига сазовор бўлса, ота-она бахт деган энг юксак шоҳсупага кўтарилади.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.




Ўзбекистонда бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келадиган 14 ёшли ўғил болаларнинг улуши бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича 97,9 фоизни, Наманган вилояти бўйича 97,6, Қашқадарё вилояти бўйича 97,1, Бухоро вилояти бўйича 96,8 фоизни, мамлакатимиз бўйича 94,2 фоизни ташкил этмоқда. 14 ёшдаги ўғил — қизларимизнинг бўйи кейин-ги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметрга ўсди.



Ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда 86,3 фоизга етди. Уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметрни, вазни эса 6,2 килограммга ор-тиб, 67,8 килограммни ташкил этмоқда.



Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда голиб чиқиб, шоҳсупага кўтарилганда, дав-латимиз мадҳияси янграб, байроғи мағрур ҳилпираб турганида бутун халқимиз, Ўзе-бекистонимиз бир тан, бир жон бўлиб шоҳсу-пага кўтарилади...



Агар ҳозир дунёда болаларга энг кўп гап-ўрлик қўрсатаётган давлатлар ўрганилиб, уларнинг рейтингини эълон қилинса, ҳеч шубҳа-сиз, Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллайди!



Самарқанд вилоя-тида санъат, му-сиқа, фольклор, миллий рақс ва бас-такорлик соҳаларида ёш иқтидорларни кашф этиш мақса-дида «Янги овозлар» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

«ЯНГИ ОВОЗЛАР»

— Танловнинг асосий ғояси ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, мазмунан те-ран, пухта асарлар яра-тилишига рағбатни ку-чайтиришга қаратилган, — дейди вилоят ҳокими-нинг ўринбосари Шухрат Қулматов. — Шу билан бирга, асрлар мобайнида сақланиб келинаётган ус-тоз-шогирд анъаналари-ни давом эттириш ҳам кўзда тутилган.

Кўрик-танлов уч йўна-лишда ўтказилди. Мил-лий мумтоз хонандачи-лик ижрочилиги йўнали-ши бўйича Иштихон пе-дагогика коллежи ўқиту-чиси Озод Қудратов, якка ва созанда-ан-самбли ижрочилиги йў-налишида Самарқанд санъат коллежи ўқувчи-си Фаишера Раззоқов, миллий эстрада йўнали-ши бўйича мазкур кол-леж ўқитувчиси Лазизбек Асеев ғолиб деб топ-лиди.

Ғолиблар вилоят ҳо-кимлигининг биринчи да-ражали дипломи билан тақдирланди. Шунингдек, уларга имтиёзли сертифи-катлар ҳам топширилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИН-ЛАНМОҚДА

Кармана педагоги-ка ва хизмат кўра-тиш касб-хунар коллежиди бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ушбу тадбирда 62 кор-хона ва ташкилот 97 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Шу куни 80 нафар аҳоли ҳамда касб-хунар коллеж битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўланма олди.

— Бандликка кўмакла-шиш партиямиз олдида турган устувор вази-фалардан биридир, — дей-ди халқ депутатлари ту-ман Кенгаши депутати Гўлчехра Рўзиева. — Бун-дай ярмаркаларнинг ўтказилиши эса аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда му-ҳим аҳамиятга эгадир.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

4 2016-yil, 12-mart.
Shanba 31 (32.090)-son

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

ЯХШИЛИК ҚИЛИБ ЯШАДИМ...



Деновнинг «Юрчи» маҳал-ласида истиқомат қилувчи Иклим момо Боборахматова 8 март куни 100 ёшга тўлди!

— Ҳаётнинг паст-баланди-ни кўрдим, — дейди у. — Ҳамиша яхшилик қилиб, яхши одамларга ёндашиб, сабр-то-қат билан яшадим. Раҳматли умр йўлдошим Неймат Бобо-рахматов билан 1940-йил тур-муш кургандик. Уша даврда

ҳаёт ниҳоятда машаққатли эди. Пулдан ҳам, тиллодан ҳам бир бурда нон азиз эди. Тонг отар-отмас ҳамма дала-га, ишга отланарди, қоронгу-ни да силламинг қуриб, уйга қай-тардик. Бунинг устига, уруш тинка-мадоримизни қуритди. Қимматчилик қаҳатчиликка уланди. Эркаклар фронтга ке-тиб, даланинг оғир ишлари аёллар ва болалар елкасида

қолди. Урушда ҳалок бўлган-лар, очликдан нобуд бўлган-ларнинг саноғи йўқ эди.

Бахтимиз бор экан, ёруғ кунларга ҳам етиб келдик. На-бира, чевара ва эваралар бах-тини кўриб, қувониб ўтирибман. Шундай дорилмон кунларга етказганига шукр, дейман.

Дарҳақиқат, аср билан юз-лашаётган онаҳонимиз икки нафар фарзанд, 40 нафар на-бира, 20 га яқин чевара ва 10 дан ортиқ эваралар ардоғи-да, элу юрт эъзозиди.

— Маҳалламиз ҳудудида 2 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Юрчи» маҳалла фуқаро-лар йигини раиси Раҳмонқул Раҳматуллаев. — Улар ораси-да 20 нафарга яқини саксон ёшдан ошган бўлса, 10 нафа-ри 90 билан тўқнашган, 4 на-фар отахону онахон юз билан

юзлашган. Пиру бадавлат кек-саларни қўллаб-қувватлаб, ҳолидан хабар олиб туриб-миз...

— Болалар қобил, бамаъ-ни бўлса, инсон кўп яшайди, бола, — дейди момо. — Жис-моний меҳнат кишини чиниқ-тиради. Ҳозир ҳам эрта саҳар туриб, томоркани айланаман. Ободлик ва саришталик яхши-да. Кейин бекор ўтирмай, деб, бичиш-тикиш билан шугулла-наман.

Юзида нур, шукроналик туйғуси балқиб турган мўъта-бар онахон юрт тинчилиги, ос-монимиз мусаффолиги, дастур-хон тўқин-сочинлиги, халқ омон-лигини тилаб дуога қўл очди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳоим-ларининг ҳисоботида эшитилиб, туманда амалга оширилаётган ишлар таҳлили бўйича семинар бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дасту-рида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган се-минарда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси

мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини муво-фиқлаштириш бўйича туман кенгаши аъзо-лари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ра-ислари ва фаоллари иштирок этди.

Тадбирда туманни ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш, тадбиркорлиқни

рағбатлантириш, аҳолининг ижтимоий му-ҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қув-ватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, Наврўз байрамини муносиб қутиб олиш ва нишонлаш, аҳоли, айниқса, коллеж би-тирувчиларининг тўла бандлигини таъмин-лаш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борада маҳалла идоралари зиммасидаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2016 йил 14 ва 21 апрель кунлари бошланғич нархи
босқичма-босқич ўсиб бориш

тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига, таъсисчиларнинг 2016 йил 20 январдаги навбатдан ташқари йиғилиш баённа-маси қарорига асосан тугатилаётган МЧЖ шаклидаги «CHARTIS UZBEKISTAN» Ўзбекистон — АҚШ ҚҚ суғурта компанияси балансидаги қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

№	Мол-мулк номлари	Сони	Ишлаб чиқарил- ган йили	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)	Умумий бошланғич баҳоси (сўм)
1	Cisco for InterNet AIG	1 дона	2007	1 521 000	1 521 000
2	Dell Server PowerEdge2950	1 дона	2009	1 267 000	1 267 000
3	Dell TapeDrive LTO3 400Gb	1 дона	2009	1 700 000	1 700 000
4	Dell Optiplex580+Monitor Samsung	3 дона	2012	1 159 500	3 478 500
5	Принтер XEROX M24	1 дона	2005	5 345 000	5 345 000
6	Nokia 6303 русумли телефон	1 дона	2010	40 000	40 000
7	Panasonic TCD500 русумли телефон	1 дона	2005	59 000	59 000
8	Panasonic 2378 русумли телефон	2 дона	2012	40 667	81 333
9	Siemens HiCom130 русумли телефон станцияси	1 дона	1997	149 000	149 000
10	Royal сейф	1 дона	1999	248 000	248 000
11	UPS EW2000 1200VA	2 дона	2012	28 750	57 500
12	Switch ZyXEL ES-124P	1 дона	2009	76 000	76 000
13	Samsung MW712BR русумли микро тўлқинли печь	1 дона	2012	180 000	180 000
14	Scarlet иситгичи	1 дона	2009	133 000	133 000
15	WestPoint русумли музлатгич	1 дона	1999	450 000	450 000

Талабдорлардан бюртманомаларни тузиш, қабул қилиш, расмий иш кўнраида мажбу-рий эълон қилиш кўнраида бошланади ва савдо қилинган 1 (бир) кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлан-ғич нархнинг қамиди 20 фоиз миқдордаги заҳалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипо-тека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА-00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо ғолибига савдо қилинган бош-лаб 20 (йигирма) кун муддат ичида Соту-чи билан олди-сотди шартномасини тузиш,

қуйида кўрсатилган манзил ва алоқа восита-лари бўйича муҳожаат қилишлари мумкин.

Сотувчи: МЧЖ шаклидаги «CHARTIS UZBEKISTAN» Ўзбекистон — АҚШ ҚҚ суғурта компанияси. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёқон кўчаси, 1-уй; телефон: (+99895) 140-38-00, (+99895) 140-38-06.

Савдо ташкилотчиси: «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ. Тош-кент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Ушбу мол-мулклар билан яқиндан та-нишиш истагида бўлган талабдорлар,

Шунингдек, «MARKAZIY kombinat» ДУКнинг 2016 йил 4 мартдаги 1/140-сонли хатига асосан қуйидаги автоматотранс-порт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади:

№	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)	№	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	«ГАЗ-6602»	Рақамсиз	1973	21 354 277	5	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1967	22 878 797
2	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1972	22 878 797	6	«ЗИЛ-157»	Рақамсиз	1969	27 547 638
3	«ГАЗ-6605»	Рақамсиз	1976	22 878 797	7	«ЗИЛ-131»	Рақамсиз	1971	23 831 621
4	«ГАЗ-63»	Рақамсиз	1968	22 878 797	8	«ЭТЦ-165»	ЕД 34-11	1989	74 845 000

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Бахт нимада? Саломатликда, тинчликда, хотиржамликда...

МИННАТДОРЛИК



Суратда: Олий тоифали кардиолог Нигора Очилова (ўнгда) ҳамкасблари билан.

Фарух АЛИЕВ олган сурат.

Ёшинг улғайгани сари, яхши гап, ширин муомала, атроф-дагиларнинг эътибор ва ғамхўрлигига кўпроқ эҳтиёж сезар экансан. Юрагим хуруж қилиб, Тошкент шаҳридаги 7-сон шифохонага тушиб қолдим. Бу даргоҳнинг саранжом-са-ришталиги, шифокорларининг беморларга меҳрибонлиги, эътибори мени жуда қувонтирди.

«ЮРАКНИ АСРАНГ...»

Айниқса, кардиология бўли-мида ўз ишининг ҳақиқий усталари ишлар экан. Олий тоифали кардиолог Нигора Очилова бошчилигидаги қўли энгил шифокорлар ҳамда ҳам-ширалар кун-у тун соғлигим ҳақида қайғуришди. Уларнинг ширин сўзи қутилганидан ҳам тезроқ оёққа туришимга сабаб бўлди. Мазкур муассасадаги врачларнинг бошқа беморлар билан мулоқотини кузатиб, кўриб, уларга тарбия берган ота-онасига, таълим берган

устозларига раҳмат айтгим келди.

Нигора Очилова ҳар гал бе-морларни кўраётганида бир сўзни такрорлайди: «Юрагин-гизни асранг. У сизга ҳали кўп хизмат қилиши керак». Мен ушбу даргоҳда даволанаётган инсонлар номидан тиббиёт хо-димларига чин дилдан мин-натдорлик билдираман.

Омонулла НУРХЎЖАЕВ,
меҳнат фахрийси,
ЎзХДП фаоли.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, (+998 90) 174-26-36
www.sardor-avto.uz
Махсуслотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Гувоҳнома № 005357

Юртимиз бўйлаб (°C)	Дунё бўйлаб (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	Лондон +13/+12
+3/+8	Париж +13/+11
+13/+18	Москва +4/+3
Бухоро ва Навоий вилоятлари	Мадрид +14/+15
+7/+12	Пекин +10/+13
+20/+25	Канберра +30/+28
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	Рим +19/+18
+7/+12	Афина +18/+16
+17/+22	Токио +10/+10
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	Стокгольм +7/+6
+7/+12	Кейптаун +28/+23
+20/+25	Қоҳира +31/+30
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	Гавана +31/+32
+5/+10	Вашингтон +18/+7
+15/+20	
Тошкент шаҳри	
+7/+9	
+20/+22	

MUASSIS:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochiilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
17578
nuxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.30
Toshinilgan vaqti — 01.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 6